

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ –ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ИЛҲАМОВ НОРТОЙ МУРАДОВИЧ

**САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИНГ ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси авторефератимундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Илхамов Нортой Мурадович

Сабзавот экинларининг тежамкор суғориш усулларини
такомиллаштириш..... 3

Илхамов Нортой Мурадович

Совершенствование водосберегающих методов орошения
овощных культур..... 29

Ilkhamov Nortoy Murodovich

Improvement of water saving irrigation technologies of Vegetable crops... 55

Эълонкилинганишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019. Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛҲАМОВ НОРТОЙ МУРАДОВИЧ

**САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИНГ ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.DSc/Qx 36 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.psuyaiti.uz ва «ZiyoNet» ахборат таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Нурматов Шермат Нурматович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: **Авлиякулов Мирзоолим Авазович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
катта илмий ходим
Исаилов Анваржон
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Арамов Музаффар Хошимович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ирригация сув муаммолари илмий тадқиқот институти**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «29» 09 2020 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.Тел.: (+99895) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37. [e-mail paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99878) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» 09 кунини тарқатилди.
(2020 йил «15» 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ф.Ж.Тешаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сабзавот ва картошка маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Сўнгги йиллардаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, дунё бўйича сабзавот экинлари ҳисобланган помидор экинидан йилига 182,3 млн. тонна, оқбош қарамдан 71,45 млн. тонна, ширин ва аччиқ қалампирлардан жами 36,1 млн. тонна, сабзи экинидан 42,83 млн. тонна ва картошкадан 388,19 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилмоқда¹. Халқаро ФАО ташкилотининг маълумотларига кўра қишлоқ хўжалиги экинларини нотўғри суғориш оқибатида 30-33% экин майдонлари деградацияга учраган, натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 15-20% га камаймоқда.

Дунё қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришда сув сарфини камайтириш, турли суғориш усулларида тупроқнинг намланиш даражаси ва сув сарфини тадқиқ этиш, тупроқнинг агрофизик хоссаларини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, шунингдек сабзавот экинларини турли суғориш усулларида ҳосилдорлигини кўпайтириш ва дала майдонининг фитосанитар ҳолатини (бегона ўтлар ва зараркундалар зичлиги, касалланиш даражасини) баҳолаш бўйича кенг миқёсда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сув танқислиги шароитида сабзавот экинларини баҳорги ва ёзги муддатларда экиб парваришлашда мақбул тежамкор суғориш усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётга кенг жорий этиш қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда айниқса тупроқ эрозиясига қарши агромелиоратив тадбирлардан фойдаланиш, сабзавот ва картошка экинларини баҳорги ва ёзги муддатларда парваришланганда суғоришнинг сув тежамкор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш, долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш муҳим»² стратегик вазифа қилиб белгиланган. Тежамкор суғориш усулларидан томчилатиб суғориш усули тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишда роли ниҳоятда катта. Тупроқни агрофизик ва

¹<https://www.statista.com/statistics/264065/global-production-of-vegetables-by-type/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февральдаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ4947 сонли фармони www.lex.uz.

агрокимёвий хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади. Бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15–сентябрдаги «2018 йил қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чоратадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг прогноз ҳажми тўғрисидаги» ПҚ–3218–сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 – мартдаги “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” – ги 259–сон Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Тежамкор суғориш усуллари дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилади. Суғориш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда, жумладан Washington State University (АҚШ), University of south Carolina (АҚШ), University of Leipzig (Германия), Tokyo University of Agriculture (Япония), The University of Milan (Италия), Chinese Agricultural University (Хитой), The Indian Agricultural Research institute (Хиндистон), Бутун Россия сабзаёт экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти (Россия), Ирригация ва сув муаоммолари илмий-тадқиқот институти, Сабзаёт, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида АҚШ экин майдонларида 70 фоиз тежамкор суғориш усули ёмғирлатиб суғоришдан фойдаланилмоқда ва сабзаёт экинларини плёнка остида мульчалаб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқилган. Хиндистонда сабзаёт экинларини қора плёнка остида мульчалаб етиштириш ва бегона ўтларга қарши курашиш усули ишлаб чиқилган. Бутун Россия сабзаёт экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида (Россия) сабзаёт экинларини тежамкор суғориш усулларида етиштиришда харажатлар бир йилда қопланиши, хусусан томчилатиб суғориш усулининг афзаллиги ва бу суғориш усулининг иқтисодий самарадорлиги исботланган. Сабзаёт, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида (Ўзбекистон) сабзаёт экинларини томчилатиб суғориш усули такомиллаштирилган бўлиб, ушбу усул анъанавий усулга нисбатан суғориш сувларини сарфини 30-40% тежаш имконини бериши кўрсатиб ўтилган.

Дунёда сабзаёт экинларини сувтежамкор усулларда суғориш ва юқори

сифатли мўл маҳсулот етиштириш, тупроқнинг физик хоссалари ва унумдорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сабзаёт экинларини тупроқ турига боғлиқ ҳолдаги суғориш тартибини ишлаб чиқиш, сабзаёт экинларининг фитосанитар ҳолатини яхшиловчи суғориш усулларини аниқлаш, бегона ўтлар ва зараркунандалар зичлигини камайтирувчи суғориш усулларини тадқиқ этиш, сув сарфини максимал даражада тежовчи суғориш усуллари ва техникаларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончилик қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиблари, уларни технологиялари ва суғориш техника элементларини, тупроқни сув - физик ва агрохимёвий хоссаларига ва ўсимликларни ўсиб ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири бўйича республикамизда С.Н. Рыжов, Н.Ф. Беспалов, В.Т. Лев, В.И. Зуев, Н.С. Бақурас, Х.А. Аҳмедов, К.М. Мирзажонов, А.Э. Авлияқулов, Ш.Н. Нурматов, М. Мирфаёзов, Г.А. Безбородов, Т.Э. Остонақулов Ф.М. Сатторов, Х.М. Маҳсудов, К.П. Паганяс, Б.Д. Азимов, Р.К. Икромов, А.С. Шамсиев, ва хорижда М. Williams, С. Rodrigues, М. R. Gupta, А. Матвиец, В.В. Бородычев, А.С. Овчинников, В.Н. Бочарев, О.М. Бочарников, А.Д. Андрианов, Т.Е. Айтбаев, А.С. Сейдазимова каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, сабзаёт экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштиришда тежамкор суғориш усулларини янада такомиллаштириш, сабзаёт тури ва навига кўра мақбул суғориш усулини аниқлаш, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва унумдорлиги, даланинг фитосанитар ҳолатини яъни бегона ўтлар ва зараркунандалар зичлигини камайтирувчи суғориш усулларини қўллаш бўйича изланишлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети 2011–2016 илмий-тадқиқот ишлари режасининг 16.1. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувлардан фойдаланишни илмий асосларини ишлаб чиқиш; 11.3 Сабзаёт экинлари ширин қалампир ва бақлажон экинларини сув тежайдиган агротехнологияларни иқтисодий самарадорлигини тадқиқ этиш мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида 2014–2016 йилларда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида сабзаёт экинларидан сабзи, оқбош карам, ширин қалампир, помидор ва картошка экинларини эртаги, кечки ва ўсув даври узун баҳордан кузгача муддатларда парваришlashда улардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун гектарига 40 тонна органик ўғит солиб ўғитлаш ҳамда сув ва ер ресурсларини тежаш имконини берувчи, экин майдонларининг фитосанитар ҳолатини яхшиловчи сув тежамкор суғориш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғорма деҳқончилик шароитида сабзаёт экинларини ва картошкани суғоришнинг истиқболли ва иқтисодий самарадорлиги юқори, тежамкор

суғориш усуллари аниқлаш;

тупроқнинг сув-физик хоссалари ва унумдорлигига ва турли тежамкор суғориш усуллари таъсирини аниқлаш;

тежамкор суғориш усулларида сабзавот ва картошка экинларини суғориш меъёри ва мавсумий суғориш меъёрларини аниқлаш;

сабзавот экинлари ва картошкани турли тежамкор суғориш усулларида тупроқнинг намланиш даражаси ва қатламини ўрганиш;

бахорги ва ёзги сабзавот экинларининг турлари ва навлари бўйича ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлига ва ҳосил сифатига тежамкор суғориш усуллари таъсирини ўрганиш;

қора пленка остидан такомиллаштирилган томчилатиб суғориш усулида томчилатгичларни ҳар 20 см ораликда жойлаштиришнинг сув сарфи ва иқтисодий самарадорлигини ва бегона ўтларни ўсиб чиқишини камайишини аниқлаш;

сабзавот экинларини турли суғориш усулларида экинзорларнинг фитосанитар ҳолатини (бегона ўтлар ва зараркунандалар зичлиги, касалланиш даражасини) аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида суғориладиган типик бўз тупроқларда сабзавот экинларидан оқбош қарамнинг “Номер первый”, “Грибовский 147”, “Судья Узбекская”; помидорнинг “Ўзбекистон”, “ТМК–22”, “Ситора”; ширин қалампирнинг “Дар Ташкента”, “Заря Востока”, “Зумрад”; сабзининг “Мирзои желтая”, “Мирзои красная”, “Нантская – 4”; картошканинг “Белорусский ранний”, “Зарафшон”, “Тўйимли” навлари; эгатлаб, томчилатиб, ёмғирлатиб ва тупроқ остидан ҳамда қора плёнка остидан томчилатиб суғориш усуллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқнинг сув-физик хоссалари ва унумдорлиги, тупроқнинг намланиш даражаси, сабзавот экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари, экинзорларнинг фитосанитар ҳолати, суғориш усулларида сув сарфи, сабзавот экинларининг суғориш тартиби ва бир центнер ҳосил учун кетган сув сарфлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда амалга оширилган, кузатув, таҳлил ва ўлчовлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, С.С.Ванеян, Д.Р.Витанов, С.А.Дудникнинг «Исследования режимов орошения и способов полива», В.Ф.Беликнинг «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве», «Рекомендация по технологии возделыванию овоще, бахчевых культур в условиях поливного земледелия Средней Азии», Э.И.Грызенкова, А.И.Чиженконинг «Определение экономической эффективности результатов полевых опытов» услубий қўлланмалари асосида амалга оширилган. Тажриба маълумотларининг статистик таҳлили «Excel

2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида ҳамда математик таҳлиллар Б.А.Доспеховнинг кўп омилли дисперсион таҳлил усулида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида

сабзаот экинларини суғоришнинг мақбул сувтежамкор томчилатиб ва қора полиэтилен плёнка остидан томчилатиб суғориш усуллари такомиллаштирилган;

тупроқнинг сув-физик хоссалари, унумдорлигига сабзаот экинларини турлари ва навлари ҳамда суғориш усуллари таъсири аниқланган;

сабзаот экинлари ва картошкани тежамкор ва такомиллаштирилган суғориш усулларида етиштиришда мавсумий суғориш меъёрлари аниқланган;

сабзаот экинларини турли суғориш усулларида тупроқнинг намланиш даражаси ва қатлами, бир центнер ҳосил етиштириш учун кетган сув сарфи аниқланган;

баҳорги ва ёзги мавсумда сувтежамкор суғориш усулларига боғлиқ ҳолда сабзаот экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири ўрганилган;

сабзаот экинлари ва картошкани қора плёнка остидан томчилатиб суғоришда такомиллаштиришнинг мақбул оралиғи 10 – 20 см бўлиши аниқланган ва сув сарфи 50 % тежалиши, ҳосилдорлик 10-15 % ошиши ва бегона ўтларни 70–80 % униб чиқишини камайтиргани аниқланган;

сабзаот экинлари турли суғориш усулларида парваришланганда дала майдонининг фитосанитар ҳолати яъни бегона ўтлар босиши, зараркунандалар зичлиги ва касалликлар тарқалишининг камайиш даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотларда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш ва сувни тежашда томчилатиб суғоришни қора полиэтилен плёнка остидан амалга ошириш мақбул ва истиқболли технология эканлиги аниқланиб, бунда томчилатиб суғориш шлангларидаги тешиклар ҳар 10 – 20 см да бўлиши мақбул эканлиги кузатилган.

Томчилатиб суғориш қўлланилганда тупроқда эрозион жараёнлар юз бермаслиги, тупроқдаги намликнинг максимал даражада сақланиши, тупроқ сув-физик хоссалари яхшиланиши, бир йиллик бегона ўтлар миқдорининг 70-80% гача камайиши таъминланган.

Турли сув тежамкор суғориш усуллари таққосланганда, томчилатиб суғориш усули қўлланилган вариантларда сув сарфи ўртача 50 % га тежалиб, ҳосил 15–20 кун эрта пишиб етилиши ва ҳосилдорлик 10–15 % гача ортиши аниқланган.

Сув тежамкор томчилатиб суғориш технологияси қўлланилганда сабзаот экинлари қатор орасига ишлов бериш сони 3,2 мартага, бегона ўтларга қарши курашиш 2,8 мартага қисқариб, ёқилғи мойлаш материаллари сарфи камайганлиги аниқланган. Шунингдек, ҳашарот ва касалликларга қарши кимёвий препаратларни қўлламаслик ҳисобига 25–30% маблағ тежалишига эришилганлиги қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда вариацион-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижаларда тасдиқланганлиги, изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларини

амалий фермер хўжаликларида бажарилганлиги, тўпланган маълумотлар етакчи мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, ҳар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама этилганлиги, тажриба натижалари маълумотлари математик таҳлил қилинганлиги, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация ишининг асосий илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналлар ва Республика рўйхатидаги илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, турли сув тежамкор суғориш усулларини қўллашнинг суғориладиган типик бўз тупроқлар сув-физик хоссалари ва тупроқ унумдорлигига таъсири аниқланганлиги, эрозия жараёнларининг олди олиниши, сабзаёт экинлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириши, экин майдонларининг фитосанитар ҳолати яхшиланишининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, томчилатиб суғоришда эгат бўйлаб тупроқнинг бир текисда намланиши таъминланиши, суғориш сувларининг тежалиши, бегона ўт босиши, зараркунандалар зичлиги ва касалланиш даражасининг камайиши ва бунинг натижасида сабзаёт экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатининг ортиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда тежамкор суғориш усулларини сабзаёт экинларида такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

сабзаётчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Сабзаёт экинларининг тежамкор суғориш усулларини такомиллаштириш» тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20-февраль № 04/25-637-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома сабзаётчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

сабзаёт экинларида томчилатиб суғориш технологиясини қўллашни такомиллаштириш ишланмаси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «NSA AGRO DEVELOPMENT» МСНЖ хўжалигида 1 гектар майдонда сабзаёт экинларидан ширин қалампир ва помидор экинларида жорий этилган бўлиб шундан 0.1 гектарида қора полиэтилен плёнка остидан томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20-февраль № 04/25-637-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида анъанавий суғориш усулига нисбатан 50% сув тежалиб, ширин қалампир ҳосилдорлиги 10–15% га ортган, ҳосил бир пайтда 20–кун эрта етилган, рентабеллик 35–50% ни ташкил қилган;

сабзаёт экинларини сув тежамкор суғориш усулларида парваришlash

агротехнологияси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Селекта» МЧЖ 10 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20-февраль № 04/25-637-сонли маълумотномаси). Натижада ишчи кучи тежалиши ҳисобига умумий ҳаражатлар 30 % га камайиши, суғоришлар қора полиэтилен плёнка остидан томчилатиб суғориш усулини қўллаб ўтказилиши ҳисобига бегона ўтлар униб чиқиши 60–70 % камайган, гектаридан 10–15 % қўшимча ҳосил олинган ва ҳосил 20 кун эрта этилган;

тежамкор суғориш усуллари сабзаёт экинларида қўллаш ишланмаси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Мақсуд барака» фермер хўжалигида 7 гектар, «Тохир ТМТ» фермер хўжалигида 6 гектар ва «Мадина Мохира» фермер хўжалигида 2 гектар, жами 15 гектар майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20-февраль № 04/25-637-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш сувларини 50% тежашга эришилиб, сабзаёт экинларини ушбу тежамкор суғориш усуларида суғориб етиштиришда иқтисодий самарадорлик, соф фойда сабзаёт экинларида ўртача 7–9 миллион сўми, рентабеллик 45–60% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ҚХООИИЧМ ва ТошДАУ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан услубий жиҳатдан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ҳар йили ТошДАУ сабзаётчилик, картошкачилик ва полизчилик кафедраси илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва ҳалқаро илмий ва амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Докторлик диссертацияси мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, шу жумладан 3 таси хорижий журналларда 32 таси республика илмий анжуманларда нашр этилган, шунингдек 1 та монография, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил қилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган. Сув ресурсларининг аҳамияти ва давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар асосида тежамли суғориш усулларини куриш ва хўжаликларга яратилаётган имкониятлар ва улардан фойдаланиш ҳақида батафсил маълумот баён этилган. Диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро

илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, олинган натижаларининг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробацияда ижобий баҳоланганлиги ва илмий мақолалар чоп этилганлиги диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сабзавот экинларини сувтежамкор суғориш усулларида фойдаланишнинг ҳолати ва самарадорлиги»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикаимиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва илмий манбалари шарҳланган. Сабзавот ва картошка экинларининг тупроқ намлигига талабчанлиги ва уларнинг суғориш тартиблари, сабзавот экинларини суғоришнинг анъанавий усуллари, сабзавот ва картошка экинларидан юқори ҳосил етиштиришда сувтежамкор – томчилатиб, ер остидан ва ёмғирлатиб суғориш усуллари аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари юзасидан илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида диссертация мавзуси юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот объектлари, дастури ва услуби» бўлимида тадқиқот объектлари, ишлаб чиқилган диссертация мавзуси юзасидан ҳар бири алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, гектарига 40 т органик ўғит солиб, дала ва лаборатория тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажрибада ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини аниқлаш мақсадида ўтказилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Баҳорги муддатда сабзавотларни тежамли суғориш усулларида етиштириш»** деб номланган учинчи бобида сабзавот экинларини баҳорги муддатда етиштиришда қўлланилган ҳар хил суғориш усуллари тажриба даласи тупроғининг хоссаларига таъсири ҳамда экинларни ўсиши, ривожланиши ва шунингдек маҳсулотни сифати илмий асосда баҳоланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Сабзавотларни баҳорги муддатда етиштиришда ҳар хил суғориш усуллари тупроқ агрофизик ва агрохимёвий кўрсаткичларига таъсири» деб номланган бўлимида суғориш усулларида боғлиқ равишда сабзавот экинлари экилган майдонлар тупроғи агрофизик ва агрохимёвий кўрсаткичларининг ўзаро фарқланиши ўрганилган. Тажриба даласининг Дар Ташкента навли ширин қалампир экилган майдонда тупроқнинг ўсув даврида ўтказилган агрегатларга суғориш усулини таъсири ўрганилган. Агрофизик таҳлиллар натижасига кўра назорат вариантда 0–20 см қатламда $> 0,25$ мм йирик агрегатлар миқдори 18,5 % ташкил қилган. Ер остидан суғориш усулида 20,3 % ёки назоратга нисбатан 1,8 % макроагрегатлар миқдори ошган. Микроагрегатлар $< 0,25$ мм катта агрегатлар миқдори 0-20 см назорат

вариантда 81,5 % ташкил қилган. Томчилатиб суғориш усулида 20 см қатламда 82,3% ёки микроагрегатлар миқдори 0,8 % ошган. 1– 025 мм макроагрегатлар миқдори назорат вариантда 64,5 % ташкил қилган. Томчилатиб суғориш усулида 67,9 % ёки назоратга нисбатан 3,4 % ошганлиги кузатилган. Структуралик койэффиценти назорат вариантда 1,81 га тенг бўлган. Томчилатиб суғориш усулида эса 2,11 ташкил қилган. Эгатлаб суғориш усулида тупроқни хажм массаси 1,31 г/см³ ва донадорлиги 51,1% ни ташкил қилган. Томчилатиб суғориш усулида 0 – 60 см қатламда 1,38 г/см³ ва донадорлик 56,5% ни ташкил қилган ёки назорат вариантга нисбатан хажм массаси 0,07 г/см³ ва донадорлик 5,4 % ошганлиги маълум бўлган (1-жадвал).

1 - жадвал

Суғориш усулига боғлиқ равишда Ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави экилган тажриба майдони тупроғи агрегатларининг ўзгариши (2014-2016 йй.)

Суғориш усуллари	Тупроқ қатлами, см	Макро-агрегатлар, >0,25 мм %	Микро-агрегатлар <0,25 мм %	Агрегатлар 1–0,25, мм %	Агрегатлар >10 мм, <0,25 мм %	Структура койэффиценти
Эгатлаб (назорат)	0-20	18,5	81,5	64,5	35,5	1,81
	20-40	17,3	82,7	67,2	32,8	2,04
Ёмғирлатиб	0-20	19,0	81,0	61,3	38,7	1,58
	20-40	16,9	83,1	65,2	34,8	1,87
Томчилатиб	0-20	17,7	82,3	67,9	32,1	2,11
	20-40	16,0	84,0	65,1	34,9	1,88
Ер остидан	0-20	20,3	79,7	67,9	32,1	2,04
	20-40	16,4	83,6	66,3	33,7	1,96

Тупроқнинг 0-30 см қатламидаги агрохимёвий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, гуллаш даври бошида нитратли азот миқдори (жадвал 2) эгатлаб суғориш усулида 24,6 мг/кг, ер остидан суғориш усулида 27,5 мг/кг ни ташкил қилиб, амал даври охирида эса назорат вариантыда 0-30 см тупроқ қатламида 11,0 мг/кг ни, ёмғирлатиб суғоришда 15,3 мг/кг ни, томчилатиб суғорилганда 12,4 мг/кг ни ташкил этганлиги қайд этилган. Нитрат азотининг ўсув даври охирида камайиши суғоришнинг бошқа усулларида ҳам қайд этилган. Ёмғирлатиб суғориш усулида тез-тез қатқалоқ ҳосил бўлиши, тупроқ намланиши юқори бўлмаслиги туфайли ўсимлик минерал ўғитларни яхши ўзлаштира олмайди. Шу боис сабзавотларнинг ўсиб-ривожланиши анча суст бўлганлиги кузатилган. Томчилатиб ва ер остидан суғориш усулида амал даври охирида 12,4–15,3 мг/кг ни ташкил этган. Аммиакли азот миқдори 0-30 см назорат вариантда амал даври бошида 35 мг/кг, амал даври охирида 22 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган. Бу ўсимликлар аммиакли азотни ўсув даврида ўзлаштирганлигидан далолат беради. Аммиакли азот тупроқ ва ўсимлик таркибига кириб тўпланиб қолмайди. Ер остидан ва томчилатиб суғориш

усулида аммиакли азот амал даври бошида 36-38 мг/кг ни, амал даври охирида 20-28 мг/кг ни ташкил этган.

Бу энг юқори кўрсаткич бўлиб, ер остидан суғориш усулида 0-30 см қатламда минерал ўғитлар бир текисда тарқалиб, ўсимликлар учун қулай озикланиш тартиби яратилган. Ўзлаштирилган фосфор элементи ўсимликларнинг ривожланиши, айниқса мева туғишида катта аҳамиятга эга бўлиб, амал даври бошида назорат вариант – эгатлаб суғориш усулида 40 кг/мг ни, амал даври охирида 18,0 кг/мг ни ташкил этган. Фосфор ўғити ёмғирлатиб, томчилатиб ва ер остидан суғориш усулларида амал даври бошида мос равишда (жадвал 2) 42; 45-ва 47 мг/кг, амал даври охирида 18; 26 ва 32 мг/кг ни ташкил этган. Энг яхши озикланиш тартиби томчилатиб ҳамда ер остидан суғориш усулида бўлганлиги исботланган.

2–жадвал

Суғориш усулларига боғлиқ равишда ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави экилган тажриба майдони тупроғининг 0-30 см қатламда агрохимёвий кўрсаткичлари, мг/кг (2014-2016 й.й)

Суғориш усуллари	Нитратл и азот(N-NO ₃)	Аммиакли азот (N-NH ₄)	Харакатчан фосфор (P ₂ O ₅)	Алмашин увчи,кали й (K ₂ O)	Тупроқ реакцияси, (pH)
Амал даври бошида					
Эгатлаб (назорат)	24,6	35,0	40,0	176,0	6,9
Томчилатиб	26,5	36,0	45,0	178,0	7,0
Ёмғирлатиб суғориш	27,0	34,0	42,0	160,0	7,1
Ер остидан суғориш	27,5	38,0	47,0	163,0	7,2
Амал даври охирида					
Эгатлаб (назорат)	11,0	22,0	18,0	116,0	7,0
Томчилатиб суғориш	12,4	20,0	26,0	131,0	7,1
Ёмғирлатиб суғориш	16,3	31,0	18,0	114,0	7,0
Ер остидан суғориш	15,3	28,0	32,0	110,8	7,1

Диссертациянинг «Сабзавот экинларини суғоришнинг турли усулларида тупроқнинг намланиш даражаси ва сув сарфи» бўлимида ҳар хил суғориш усулларида суғориш сувларининг тежалиши ва тупроқнинг намланиш даражаси ўрганилган. Суғоришда тупроқ намланишининг энг юқори кўрсаткичлари томчилатиб суғорилган вариантда қайд этилган. Бинобарин, сабзи экинини суғорилганда 1 соатда 9,23 см, 2 соатда 16,23 см, 3 соатда 22,97 см, 4 соатда 27,20 см, 5 соатда 32,07 см, 6 соатда 36,97 см қатламлар намланганлиги аниқланган.

Оқбош карам экини бўйича тажрибаларда тупроқнинг намланганлик даражаси суғориш вақтига боғлиқ равишда қуйидагича бўлган: 1 соатда 7,90 см, 2 соатда 14,03 см, 3 соатда 16,83 см, 4 соатда 21,17 см, 5 соатда 27,40 см, 6 соатда 31,67 см тупроқ қатлами намланганлиги кузатилган.

Ширин қалампир бўйича тажрибаларда эса тупроқнинг намланганлик даражаси суғориш вақтига боғлиқ равишда қуйидагича бўлган: 1 соатда 7,03

см, 2 соатда 12,03 см, 3 соатда 18,03 см, 4 соатда 24,77 см, 5 соатда 27,83 см, 6 соатда 34,00 см бўлганлиги аниқланган. Тупроқнинг намланиш даражаси гарчи томчилатиб суғоришга нисбатан бироз пастроқ бўлсада, аммо эгатлаб суғорилган вариантга (назорат) нисбатан ёмғирлатиб ва ер остидан суғорилган вариантларда ҳам бирмунча юқори кўрсаткичларда бўлганлиги қайд эилганган (3-жадвал).

3–жадвал

Ҳар хил суғориш усулларига кўра сабзавот экинларининг мавсумий суғориш меёрлари, м³/га (2014-2016 йй)

Суғориш усуллари	Сабзи		Оқбош карам		Ширин қалампир	
	Мавсумий сув сарфи, м ³ /га	Тежалган сув, %	Мавсумий сув сарфи, м ³ /га	Тежалган сув, %	Мавсумий сув сарфи, м ³ /га	Тежалган сув, %
Эгатлаб (назорат)	3716	0	6206	0	11594	0
Ёмғирлатиб	1981	46,7	4857	21,7	5518	52,4
Томчилатиб	1759	52,3	3237	47,9	5924	48,9
Ер остидан	2290	38,4	4794	39,9	5324	54,1

Эртаги сабзавот экинлари анъанавий усулда суғорилганда мавсумий суғориш меёри сабзида 3716 м³/га, оқ бош карамда 6206 м³/га ва ширин қалампир экинида 11594 м³/га ташкил қилган. Сабзавот экинлари турлари бўйича энг истиқболли усул томчилатиб суғориш усули бўлиб, уч йиллик тадқиқот даврида мавсумий суғориш меёри 1759, 3237 ва 5924 м³/га бўлган. Бунда мавсум бўйича суғориш сувларини тежалиши сабзида 52,3 %, оқбош карамда 47,9% ва ширин қалампирда 48,9 % ни ташкил этган.

Эртаги сабзини ўртача ҳосилдорлиги назорат вариантда 25,3 т /га тенг бўлган. Юқори ҳосилдорлик томчилатиб суғориш усулида 28,2 т/га ёки назорат вариантга нисбатан 2,9 т/га кўшимча ҳосил олинган. Ёмғирлатиб ва ер остидан суғориш усулларида эса тегишлича 2,3 ва 1,1 т/га назоратга нисбатан ҳосилдорлик юқори бўлган. Ёзги оқ бош карам етиштиришда юқори ҳосилдорлик ёмғирлатиб суғориш усулида 47,2 т/га ҳосил қайд қилинган, назорат вариантга нисбатан ёмғирлатиб суғориш усулида 4,6 т/га кўшимча ҳосил олинган. Томчилатиб, ер остидан суғориш усулларида тегишлича 4,2 ва 2,0 т/га кўшимча ҳосил олинган. Тежамкор суғориш усулларида ширин қалампир етиштиришда ҳосилдорлик назорат вариантда 24,2 т/га ни ташкил қилган. Юқори ҳосилдорлик томчилатиб суғориш усулида 5,2 т/га ни ташкил қилган. Ер остидан ва ёмғирлатиб суғориш усулларида мос равишда 2,7 ва 2,8 т/га кўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқотларда сабзавот экинларини турли суғориш усулларида ҳосилдорлик ва бир центнер ҳосил учун кетган сув сарфи аниқланди. Бунда сабзи ва оқбош карам экинида бир центнер ҳосил учун кетган сув сарфининг энг кичик кўрсаткичлари ёмғирлатибтиб суғориш усулида бўлиб, сабзида 54,5 м³/ц ва оқбош карамда эса 67,3 м³/ц бўлганлиги аниқланган. Ширин қалампир

етиштиришда эса бир центнер ҳосил учун энг кам сув сарфи ер остидан суғориш вариантыда кузатилиб, 19,8 м³/ц ни ташкил этган (4-жадвал).

4–жадвал

Сабзавот экинларининг турли суғориш усулларида ҳосилдорлиги ва бир центнер ҳосил учун кетган сув сарфи, м³/ц (2014-2016 йй).

Суғориш усуллари	Ҳосилдорлик, т/га						Бир центнер ҳосил учун Мавсумий сув сарфи, м ³ /ц		
	Сабзи	Назо-ратга нисба-тан	Ка-рам	Назо-ратга нисба-тан	Ширин қалам-пир	Назо-ратга нисба-тан	Сабзи	Оқбш карам	Ширин қалампи
Эгатлаб суғориш (назорат)	25,3	0	42,6	0	24,2	0	121,3	144,3	479,1
Ёмғирлатиб суғориш	27,6	2,3	46,8	4,2	29,4	5,2	54,5	67,3	187,6
Томчилатиб суғориш	28,2	2,9	47,2	4,6	27,0	2,8	6,44	72,9	20,44
Ер остидан суғориш	26,4	1,1	44,6	2,0	26,9	2,7	8,07	79,9	19,80
	Сабзи						Ширин қалампир		
	2014й		2015 й		2016 й		2014й	2015 й	2016 й
ЭКФ ₀₅	2,1		2,8		2,5		1,9	4,5	3,1
Sx,%	0,9		1,4		0,8		2,6	2,0	1,6
	Карам								
ЭКФ ₀₅	4,3		4,4		4,6				
Sx,%	1,6		1,2		2,6				

Диссертациянинг «Ҳар хил суғориш усулларида сабзавот экинларини ўсиши ва ривожланиши» бўлимида суғориш усулига кўра сабзавот экинлари ўсиши ва ривожланишидаги фарқланиш ўрганилган. Сабзавот экинларининг ўсиши ва ривожланишига ўрганилган суғориш усуллариининг таъсири томчилатиб суғоришнинг энг истиқболли эканлиги аниқланган. Томчилатиб суғориш усулида назорат эгатлаб суғоришга нисбатан сабзида илдизмеваларнинг 21,1 г, оқбош карамда карамбошларнинг 379,2 г ва ширин қалампирда бир мева ўртача вазнининг 6,8 г га юқори бўлиши таъминланган.

Ёмғирлатиб ҳамда ер остидан суғориш усуллари ҳам истиқболли бўлиб, ушбу суғориш усуллари қўлланилганда эгатлаб суғорилганга нисбатан мос ҳолда сабзида 8,8 ва 190 г, оқбош карамда 186,1 ва 285,1 г ҳамда ширин қалампирда 4,4 ва 4,5 грамм оғирроқ мевалар шаклланган.

Диссертациянинг «Ҳар хил суғориш усулларида баҳорги сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги» деб номланган бўлимида баҳорги муддатда етиштирилган сабзавотлар ҳосилдорлигининг суғориш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгариши тадқиқ қилинган. Томчилатиб суғориш таъсирида сабзавот

экинларининг ҳосилдорлиги эгатлаб суғоришга нисбатан юқори даражада бўлиши қайд этилган. Эгатлаб суғорилганда сабзи ҳосилдорлиги навлар бўйича 23,1 дан 26,2 тоннагача бўлган бўлса, томчилатиб суғориш қўлланилган вариантда ҳосилдорлик 30,2 тоннагача етган. Томчилатиб суғориш усули қўлланилган вариантда оқбош карамнинг ҳосилдорлиги навларга боғлиқ равишда 47,6 дан 53,4 т/га гача ўзгариб, бу эса анъанавий суғориш усулига нисбатан навлар бўйича мос ҳолда ўртача 5,8; 7,9 ва 7,8 т/га қўшимча ҳосил олинишини таъминлаган. Ширин қалампирда томчилатиб суғориш усулини қўллаш натижасида олинган қўшимча ҳосил 3,8; 5,6 ва 4,8 т/га ни ташкил этган.

Томчилатиб суғориш усули сабзавот экинлари ҳосилдорлигининг биокимёвий таркибининг ҳам ижобий кўрсаткичларда бўлишини таъминлаган. Жумладан куруқ моддаларнинг ўртача миқдори ушбу тажриба вариантыда навлар бўйича мос ҳолда ўртача 14,01%, 15,03% ва 15,93% га тенг бўлган, бу вақтда назорат вариантыда ушбу кўрсаткичлар 12,44%, 13,24% ва 13,03% ни ташкил этган. Карамбошларда эгатлаб суғорилганда 8,36-8,50 % куруқ моддалар тўпланиб, томчилатиб суғорилганда ушбу кўрсаткичлар 10,07-11,68% гача етган. Ширин қалампирда ушбу кўрсаткич назоратда навлар бўйича 7,21-9,81% атрофида ўзгарган бўлса, томчилатиб суғорилган вариантда 10,11% гача етганлиги кузатилган.

Диссертациянинг «Суғориш усуллариининг эртаги картошкани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган бўлимида ҳар хил суғориш усулларига боғлиқ равишда эртаги картошкада ҳам ҳосилдорликнинг ўзгариши кузатилган. Суғориш усуллари сувнинг тежалишига турли таъсир кўрсатган.

Эртаки картошкада сувнинг энг кўп тежалиши томчилатиб суғориш усули қўлланилган вариантда қайд этилган. Ушбу тажриба вариантыда жами мавсумий суғориш меъёри 1714 м³/га бўлиб, назорат варианты – эгатлаб суғориш усулига (3750 м³/га) нисбатан 54,3% ёки 2036 м³/га сув тежалган. Сувнинг тежалиши бўйича кейинги ўринни ёмғирлатиб ҳамда ер остидан суғориш усуллари қўлланилган вариантлар эгаллаган. Бунда назоратга нисбатан тежалган сув миқдори мос ҳолда 50,0% ёки 1873 м³/га ҳамда 49,8% ёки 1867 м³/га ни ташкил қилган. Суғориш усуллари эртаки картошка ҳосилдорлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Эгатлаб суғорилган (назорат) вариантда 20,2 т/га ҳосил олинган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик томчилатиб ва ер остидан суғориш усулларида мос равишда 23,0 ва 22,2 т/га ни ташкил қилган, ёки назоратга нисбатан 2,8 ва 2,2 т/га қўшимча ҳосил олинган. Ёмғирлатиб суғориш усулида 21,2 т/га ёки назорат вариантга нисбатан 1,0 т/га юқори ҳосил олинишига эришилган. Назорат вариантда 1 центнер ҳосил учун 185,6 м³/га сув сарфланган бўлса, ёмғирлатиб, томчилатиб ер остидан суғориш усулларида мос равишда 80 ва 81 ва 84 м³/ц ёки 105,6 м³/ц кам сув сарфланган. Тежамкор суғориш усуллари эртаги картошканинг биокимёвий таркибига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Куруқ моддалар миқдори назоратда 18,0% бўлган бўлса, томчилатиб суғориш усулида ушбу кўрсаткич 19,0%, ер остидан суғориш қўлланилган вариантда эса 18,9% ни ташкил қилган .Айнан

шундай ҳолат крахмал миқдорида ҳам қайд этилган, фақат бунда крахмалнинг энг юқори миқдори ер остидан суғориш усули қўлланилган тажриба вариантида кузатилган (5-жадвал).

5–жадвал

Суғориш усулларига кўра картошка ҳосилдорлиги ва 1 центнер ҳосил олиш учун кетган сув сарфи

Суғориш усуллари	Ҳосилдорлик т/га						
	2014 й	2015 й	2016й	Ўрта-ча	Кўшим-ча ҳосил	Мавсумий сув, сарфи м ³ /га	1 ц ҳосил учун сув сарфи, м ³ /ц
Эгатлаб суғориш	19,8	20,5	20,4	20,2	0	3750	185,6
Ёмғирлатиб	20,9	21,2	21,4	21,2	1,0	1714	80,0
Томчилатиб	22,4	23,5	23,3	23,0	2,8	1873	81,0
Ер остидан суғориш	21,6	22,7	22,3	22,2	2,2	1883	84,0
ЭКФ ₀₅	4,6	3,9	4,0				
Sx, %	1,6	1,7	1,2				

. Ер остидан суғориш ўтказилганда озика режими қулай бўлганлиги сабабли юқори кўрсаткичлар олинган.

Диссертациянинг «Ўзги муддатда картошка ва карамни тежамли суғориш усулларида етиштириш» деб номланган тўртинчи бобида баҳорги муддатда синалган суғориш усуллариининг ўзги муддатда етиштирилган картошка ва сабзаёт экинлари ҳосилдорлиги ва сув тежамкорлигига таъсирини ўрганишга бағишланган. Хусусан ушбу бобнинг «Ўзги муддатда картошкани ва карамни истиқболли суғориш усулларида етиштириш» деб номланган бўлимида ўзги картошка ва карамнинг турли суғориш усулларидаги ўсиши ва ривожланиши таҳлил қилинган (6–жадвал). Ўртача уч йиллик маълумотларга асосан ўзги оқ бош карам тежамкор суғориш усулларида назорат вариантга нисбатан яхши ривожланган. Карамда 70-куни ўтказилган биометрик ўлчовлар натижасига кўра унинг бўйи 1-3 см, барглар сони 1–3 дона, барглар катталиги ва карам боши диаметри 1-6 см юқори бўлган. Ўзги картошка ва оқбош карам етиштиришда ниҳоллар томчилатиб суғориш усулида 3–4 кун эрта униб чиқиб, гуллаши ва пишиб етилиши ҳам 10–20 кун эрта бошланган.

Картошкани томчилатиб суғориш усулида етиштирилганда, унинг озикланиш режими қулай бўлиб озик элементларни мақбул муддатда ўзлаштириши туфайли эртароқ ўсиб ривожланиши ва эрта муддатларда пишиб етилиши кузатилган. 40-70 кунлари ўтказилган биометрик ўлчовларга кўра, назорат вариантга нисбатан ўсимлик бўйи 7–10 см, барглар сони 5–17 дона, туганаклар сони 15-20% ошганлиги аниқланган. Тежамкор – томчилатиб суғориш усулида мева таркибидаги элементлар, хусусан, қанд миқдори 0,13%, крахмал 0,2%, витамин С 0,18–0,20 мг га ошиб, ҳосил сифати яхшиланганлиги қайд этилган. Картошка ва карамдан тегишлича 1,5–3,6 ва 4,9 –5,1 т/га кўшимча ҳосил олинган.

6–жадвал

Карамнинг «Судья Ўзбекистон» навини ўсиши ва ривожланишига суғориш усулларининг таъсири

(70-кунги кузатув натижалари, 2014-2016 й.й.)


Суғориш усуллари	Бўйи		Барги		Каттабарг эни		Барг бўйи		Карам бош диаметри	
	см	*Н.н фарқи	до-на	Н.н фарқи	см	Н.н фарқи	см	Н.н фарқи	см	Н.н фарқи
Эгатлаб	30	0	11	0	27	0	23	0	31	0
Ёмғирлатиб	33	3	14	3	30	3	25	2	34	3
Томчилатиб	32	2	12	1	28	1	23.2	0,2	32	1
Ер остидан	31	1	13	2	29	2	24	1	33	2

Изоҳ *Н.н –назоратга нисбатан

Диссертациянинг «Ўзги муддатда оқбош карамни тежамли суғориш усулларида етиштириш» бўлимида тежамкор суғориш усулларида (томчилатиб, ер остидан ва ёмғирлатиб) маҳсулот сифати ва ҳосилдорликнинг ортиши исботланган. Тежамкор суғориш усуллари ўзги оқбош карам ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатган. Бинобарин, назорат – эгатлаб суғориш усулида ҳосилдорлик ўртача 45,6 т/га ни ташкил этган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик томчилатиб суғориш ва ёмғирлатиб суғориш усулида мос равишда 49,0 ва 50,7 т/га ёки назоратга нисбатан 3,4 ва 5,1 т/га кўшимча ҳосил олинган. Маҳсулот сифати ҳам суғориш усулига кўра фарқланиши тадқиқотларда аниқланган. Оқбош карам таркибидаги органик моддалар кўпайиб, сифати яхшиланган, эгатлаб суғориш усулида курук модда миқдори 8 г, ни ёмғирлатиб, ер остидан ва томчилатиб суғориш усулларида тегишлича 8,8; 8,6 ва 8,5 г ни ташкил этган.

Диссертациянинг «Ҳар хил суғориш усулларида сабзавот экинлари даласида фитосанитар ҳолат мониторинги». деб номланган бешинчи бобида сабзавот экинларини бегона ўт босиши ва зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг тежамкор суғориш усуллари таъсири тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг «Сабзавот экинларини бегона ўт босиши даражасига суғориш усулининг таъсири» деб номланган бўлимида ҳар хил сабзавот экинлари далаларида бегона ўтларнинг суғориш усулларига боғлиқ ҳолда турли даражада тарқалиши кузатилган. Мониторинг натижаларига кўра тажриба дала бўлмаларида ҳар хил, бир йиллик ва кўп йиллик бир паллали ҳамда икки паллали бегона ўтлар учраши аниқланган. Кўп йиллик икки паллали ўсимликлар сифатида дала печаги (*Convolvulus arvensis*), бир йиллик икки паллали бегона ўтлардан оддий кўйтикан (*Xanthium strumarium*), оқ шўра (*Chenopodium album*), оддий шўра (*Amarantus hybridus*), учбаргли гибискус (*Hibiscus trionum*), бир паллалилардан – курмак (*Echinochloa crus-galli*), кўк иткўноқ (*Setaria glauca*) кўп учраганлигини кўрсатиб ўтилган. (1–расм).



1-расм. Сабзавот экинзорларида ҳар хил суғориш технологиясига боғлиқ равишда бегона ўтлар тур таркиби миқдори, дона/м².

Сабзавот экинлари даласида фитосанитар ҳолатни баҳолаш, томчилатиб суғориш усулини қўллаш бегона ўтларнинг сабзида 37,50%, оқбош карамда 30,64%, ширин қалампирда 33,64% камайишини таъминлаган. Бегона ўт босиш нуқтаи назаридан, сабзавотларни томчилатиб суғориш энг истиқболли усул эканлиги аниқланган. Томчилатиб суғориш усули қўлланилганда сув биринчи тиндирилиб кейинчалик филтрдан тозаланиб ўтганлиги сабабли бегона ўтлар уруғларининг суғориш сувлари билан далага кирмаслиги, шунингдек қора плёнка остидан томчилатиб суғорилганда бегона ўт уруғларининг униб чиқмаслиги сабабли бегона ўт билан зарарланиш камайганлиги кузатилган.

Дала печагининг миқдори анъанавий усулда эгатлаб суғорилганда 29,5 дона/м², томчилатиб суғорилганда эса 19,0 дона/м² ни ташкил этган. Курмак миқдори анъанавий суғориш усулида 18,2 дона/м², томчилатиб суғорилганда эса 9,8 дона/м² га тенг бўлган. Шўра миқдори эгатлаб суғорилганда 16,7 дона/м², томчилатиб суғорилганда 9,8 дона/м² бўлганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «Суғориш усулига боғлиқ равишда сабзавот экинларида касаллик ва зараркунандаларнинг тарқалиши ва ривожланиши» бўлимида сабзавот экинларида касаллик ва зараркунандалар тарқалиш зичлигининг суғориш усулига кўра ўзгариши таҳлил қилинган (7-жадвал).

7–жадвал

Суғориш усулларига боғлиқ равишда сабзавот экинларида касалликларнинг (ун шудринг, шилимшиқ бактериоз, макроспориоз) тарқалиши ва ривожланиши (2014-2016 йй)

Суғориш усуллари	Касалликнинг тарқалиши, %			Касаллик билан зарарланиш даражаси, %		
	Сабзи	Оқбош карам	Ширин қалампир	Сабзи	Оқбош карам	Ширин қалампир
Эгатлаб (назорат)	27,0	16,7	13,5	10,4	6,1	6,4
Ёмғирлатиб	26,8	16,3	13,2	10,3	5,9	6,2
Томчилатиб	24,8	15,9	12,0	9,8	5,6	6,0
Ер остидан	25,2	16,0	13,1	10,1	6,6	6,3

Суғориш усуллари сабзавот экинларида касаллик тарқалиши ва унинг ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши маълум бўлди. Касалликнинг тарқалиши ва ўсимликларнинг улар билан зарарланиш даражаси томчилатиб суғориш усулида нисбатан паст қийматларда бўлганлиги аниқланган. Касалликнинг тарқалиши ва ўсимликларнинг зарарланиш даражаси анъанавий суғориш усулида сабзида (ун шудринг) тегишлича 27% ва 10,4% ни ташкил этган. Эгатлаб суғориш ўтказилганда намлик ҳаддан ташқари ортиб кетиши натижасида ун шудринг касаллиги билан зарарланиш юқорироқ бўлганлиги кузатилган. Оқбош карамда (шилимшиқ бактериоз) мос равишда – 16,7% га ва 6,1%, Ширин қалампирда (макроспориоз) - 13,5% га ва 6,4 га тенг бўлган. Томчилатиб суғориш усулини қўллаш орқали касаллик ва зараркунандаларни тарқалиш ўчоқларида бартараф қилиш мумкинлиги кузатилган. Айниқса томчилатиб суғориш билан бирга сувда яхши эрувчи препаратларни қўллаш орқали хашоратларни йўқ қилиш мумкин. Сабзавот экинларида тежамкор – томчилатиб суғориш усулини қўллаш зарарли хашаротлар миқдорининг камайишини таъминлаган. Бундай ҳолатни шу билан тушунтириш мумкинки, ушбу суғориш усулида сабзавотлар кучли бақувват ривожланганлиги сабабли зараркунандалар таъсирига бир мунча чидамлироқ бўлган.

8–жадвал

Хар ҳил суғориш усулларида сабзавот экинларида учрайдиган зарар келтирувчи зараркунандаларнинг ўртача зичлиги дона/м² (2014 -2016 йй)

Суғориш усуллари	Зараркунанда тури ва унинг ўртача зичлиги						
	Бугул-лилар бургаси	Карам куяси	Карам оқ капалаги	Карам тунлами	Карам бити	Колорадо кўнғизи	Сабзи барг бургаси
Эгатлаб назорат	9,3	7,4	14,2	4,9	194,8	10,9	5,1
Ўмғирлатиб	6,4	5,8	13,3	5,5	162,9	9,0	3,7
Томчилатиб	6,1	5,4	12,6	5,3	159,4	8,4	3,5
Ер остидан	6,3	5,9	13,2	5,7	164,3	10,3	4,8


Хар ҳил суғориш усулларида сабзавот экинларида учрайдиган зараркунандаларнинг ўртача зичлиги тўғрисидаги маълумот 8-жадвалда келтирилган. Шунингдек ўмғирлатиб суғориш усулида ўсимликнинг юқори қисмидан ўмғирлатиб суғорилганлиги сабабли зараркунандалар қисман камайган бўлса, томчилатиб суғориш усулида эса зараркунандалар тарқалган майдонларга сувда эрувчи препаратларни фақат даланинг шу қисмларига қўллаш имконияти бўлганлиги учун ҳам зараркунандаларни камайишини таъминланган.

Диссертациянинг «Томатдош сабзавотларни етиштиришда истиқболли томчилатиб суғориш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган олтинчи бобида сабзавот экинларини етиштиришда ўзининг юқори самарадорлиги билан ажралиб турган тежамкор усул – томчилатиб

суғориш технологиясини тоmatдош сабзавотлар мисолида янада такомиллаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Томатдош сабзавотларни истиқболли томчилатиб суғориш усулида етиштиришда ҳар хил плёнкалардан фойдаланиш самарадорлиги» бўлимида томчилатиб суғориш усули самарадорлигини ошириш учун ерни шаффоф ва қора плёнкалар билан мулчалашнинг самарадорлиги ўрганилган. Сабзавот экинлари шаффоф ва қора плёнка остидан томчилатиб суғориш усулларида тупроқ дондорлиги ошиши кузатилган.

Меванинг биокимёвий текширув натижаларига кўра, таркибидаги элементлар, яъни курук модда ва витамин С миқдори назорат вариантга нисбатан 0,4-0,6% ошганлиги аниқланган.

Томчилатиб суғориш усулида ширин қалампирнинг ўртача уч йиллик ҳосилдорлиги 25,6 т/га бўлиб, назорат вариантга нисбатан 1,3 т/га қўшимча ҳосил олинган (2 –расм).



2–расм. Такومиллаштирилган томчилатиб суғориш усуллари­нинг ширин қалампирни Дар Тошкента навининг ҳосилдорлигига таъсири, 2014–2016 й.й.

Назорат вариантыда ҳосилдорлик 24,3 т/га ни ташкил этган. Томчилатиб суғориш усулида 2014–2016 йилларда ҳосилдорлик бир текисда ошиб бориши кузатилган. 25,6 т/га ва шаффоф ва қора плёнка остидан томчилатиб суғориш усулида мос равишда –26,1 ва 26,8 т/га ни ташкил қилган. Бунинг сабаби тупроқда эрозия йўқлиги ва тупроқни ҳар йили 40 тонна органик ўғит солинганлигидадир.

Энг юқори ҳосилдорлик қора плёнка остидан томчилатиб суғориш усулида 26,7 т/га, назорат вариантга нисбатан 2,4 т/га қўшимча ҳосил олинган. Томчилатиб суғориш усулида ширин қалампирнинг ўртача уч йиллик ҳосилдорлиги 25,6 т/га бўлиб, назорат вариантга нисбатан 1,3 т/га қўшимча ҳосил олинган. Назорат вариантыда ҳосилдорлик 24,3 т/га ни ташкил этган. Энг

юқори ҳосилдорлик қора плёнка остидан томчилатиб суғориш усулида олиниб 26,7 т/га, ни назорат вариантыга нисбатан 2,4 т/га кўшимча ҳосил олинганлиги қайд этилди (9-жадвал).

9–жалвал.

Шаффоф ва қора плёнка остидан томчилатиб суғоришнинг ширин қалампир ҳосилдорлигига таъсири т / га (2014–2016 йй).

Вариантлар	2014 й	2015 й	2016 й	Ўрта-ча	Назоратга нисбатан, т/га	Мавсумий сув сарфи м ³ /га	1 центнер ҳосил олиш учун сув сарфи м ³ /ц
Эгатлаб суғориш	23,2	25,5	24,3	24,3	0	11594	477,1
Томчилатиб	24,2	26,7	25,6	25,6	1,3	5811	226,9
Оқ плёнка остидан	24,4	27,5	24,9	26,1	1,8	5811	223,0
Қора плёнка остидан	25,4	28,5	26,4	26,7	2,4	5811	211,7
ЭКФ ₀₅	4,0	2,3	3,3				
Sx, %	1,1	0,9	1,4				

